



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил  
3 сентябрь  
ШАНБА  
№ 70  
(12.394)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

## ВИЛОЯТДА БАЙРАМ ШУКУҲИ

Курраи заминда умргузаронлик қилаётган халқ, миллат, умуман инсон зоти борки, энг буюк тилак-орзуси — озоодлик, ҳурлик неъматидир. Ўзбекистон халқига ҳам ана шундай олий тилакнинг ушаллиш бахти — Мустақиллик неъматини насиб этганига йигирма йил бўлди. Шуниси қувонарликки, тарих учун уммондан томчи бўлган шу қисқа вақтда ўзбек халқи эришган оламшумул ютуқлар бугун ер юзи мамлакатларида эътироф этилмоқда, тан олинмоқда.



Шу тарихий қисқа даврда асрларга татийдиган улкан ишлар қилинди. Унлаб, йирик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари, халқ таълими ва тиббиёт муассасалари, халқаро аҳамиятга молик равион йўллар, замонавий мурақаб кўприклар, дам олиш масканлари ва истироҳат боғлари бунёд этилди. Пахта етиштирувчи ҳар бир туманда икки-учтадан тўқимачилик корхоналари ишлаб бошлади. Хулоса қилиб айтганда, ҳар кун, ҳар соатда бир янгиликнинг гувоҳи бўлаёмиз. Истиқлолимизнинг 20 йиллигига атаб бунёд этилган турли тармоқ объектлари бирин-кетин тантанали суратда очилаяпти. Бу — бошланиш, албатта, бизни янада ёрғ

## ЧЕКСИЗ МЕҲР-ЭЪТИБОР ИФОДАСИ

2 сентябрь кuni мамлакатимиздаги барча таълим масканларида биринчи кўнғироқ янгради. Мактаб, коллеж ва лицейлар, олий таълим муассасаларида илк сабоқ — "Мустақиллик дарси" бўлиб ўтди

"Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!" шiori остида ўтказилган дарсларда халқимизнинг азалий орзу-си, миллий ўлиқни англаш, гурур-ифтихоримиз тиссоли бўлиш истиқлолнинг халқимиз ҳаётидаги беқиёс аҳамияти, у биз учун мисл-сиз неъматларни ато этгани хусусида сўз борди. Мустақилликни асраб-авайлаш, тинч ва осойишта, фаровон кунларнинг қадрига етиш ҳар бир ўғил-қизнинг бурчи экани алоҳида таъкидланди.

Маана, ўн тўрт йилдирики, мамлакатимиз билим масканларида янги ўқув йили дунёнинг ҳеч қайси мамлакатидан учрамайдиган эзгу аниъа билан бошланмоқда. Мактаб остонасига илк қадам қўйган ҳар бир ўғил-қиз ўқув йилининг биринчи кuni Президентимиз Исрол Каримовнинг махусов савғасини қабул қилиб олади.



Президентимиз Исрол Каримов раҳнамолигида истиқлолнинг дастлабки йилларида юртимизни жадал равақ топтириш мақсадида таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш, ижтимоий-маърифий, иқтисодий соҳалар учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш масаласига устувор аҳамият берилмапти.

Давлатимиз раҳбари ташаббус билан қабул қилиниб, ҳаётга изчил жорий этилаётган Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ва "Таълим тўғрисида"ги қонунга қўра, таълимнинг барча бўғинлари, шу жумладан умумтаълим мактабларини янгидан барпо этиш, мавжудларини реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Бу жараёнда таълим сифати ва мазмунини янада яхшилаш мақсадида таълим стандартлари асосида ўқув дастур ва режалари, адабиёт ва дарсликларнинг тақомиллаштирилгани, дарсларга илгор педаго-

## БУЮК ВАТАНИМИЗ МАНГУ БОР БЎЛСИН!

"Ўзининг неча минг йиллик ҳўна тарихида не-не воқеаларни бошидан кечирган халқимиз учун Ўзбекистон мустақиллиги, ҳаётиймизни, онгу шуури-мизни тубдан ўзгартирган бу улуг сана кўп йиллар, кўп замонлар ўтса-да, ўз аҳамияти, қадр-қиммати ва моҳиятини йўқотмайдиган, том маънода оламшумул воқеа бўлиб абадий сақланиб қолажак".

янада гўзал қиёфада намойиш бўлди. Юртимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган тантаналар янгича қирой онган шу тарғибот-ташвиқот қошонасида бўлиб ўтди. Кираверишдаги шарқ меъморчилигини ёдга солиб турувчи фусункор дарвоза-арк Марказга ўзгача салобат бахш этган. Икки томонлама йўллар четида аскарлардек текис саф

тортган кўм-кўк адл арчалар гурас-гурас кириб келаётган меҳмонлар йўлига пешвоз чиқиб, тавозе билан қарши олаётгандек гўё. Кўринарли жойларда меҳнат, Ватан ва мустақилликни улугловчи сурату ширлар. Тантанали маросимга тақлиф этилган меҳмонлар — саноят ишлаб чиқариши, қишлоқ хўжалиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, халқ таълими, тиббиёт, хизмат кўрсатиш соҳалари фаоллари ва меҳнат фахрийларини вилоят ҳокими ва ўринбосарлари, ҳокимлик котибларини, бўлимлари ва бошқармалари раҳбарлари қарнай-сурнай садоли остида кутиб олдилар. Аксарият меҳмонлар кўксига Юртошимиз Фармони билан таъсис этилган "Ўзбекистон мустақиллигига 20 йил" эсдалик нишонни.

залга тўпланган меҳмонларни энг улуг, энг азиз байрам билан самимий кўлаб, мустақилликда кечган 20 йил ичида эришилган улкан ютуқларга кенг тўхтади. — Истиқлолнинг ёқимли шабадаси эсиб турган 20 йил, айниқса, мустақилликнинг йигирманчи йили том маънода бунёдкорлик йили бўлди, — деди Рустам Курбонназарович. —

халқимизнинг фидокорона меҳнати, унинг тобора юксалиб бораётган онгу тафаккури, эртанги кунга бўлган ишончи, эзгу орузинтилишлари муҷассама, деб катта гурур ва ифтихор билан айтишимиз табиийдир" дея таъкидлади. Юртошимизнинг ушбу одилона фикрларининг тасдиғи сифатида маросимда сўзга чиққан кекаса ёш ҳокимнинг илик ва самимий фикр-мулоҳазаларини давом эттириб, юртимизда ҳуқуқ сўраётган тинчлик, барқарорлик ва фаровон ҳаёт учун давлатимиз раҳбари ҳамда республика ҳукуматиға самимий миннатдорчилик изҳор этдилар.



Вилоят ҳокими Рустам Холматов тантанали маросимни очар экан, муҳташам



Юртошимизнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида янграган қалбларни тўлқинлантирувчи ушбу калом бугун юртимизда устувор бўлиб турган байрамона кўтаринки кайфиятнинг аини ифодаси бўлди десак, янглишмаймиз. Бутун мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларида мустақилликка бағишланган энг улуг, энг азиз байрамимиз шодибаналари юксак кайфиятда давом этмоқда.



СУРАТЛАРДА: байрамдан лавҳалар. Собир ЗУФАРОВ ва Даврон АҲМАД олган суратлар.

Тантанали маросим куйқушиқларга, қўшиқ рақсларга уланиб, узок давом этди.

Ҳап шундаки, мазкур ташкилотнинг ҳудудий бўлинмалари иштирокида тадбиркорлик субъекти қилларига ҳуқуқий ва амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида туман ва шаҳар ҳокимликларида ҳафтанин ҳар жумаси "Очиқ эшиклар кuni" деб эълон қилинди. Унда мутасаддилар тадбиркорлар билан юзма-юз мулоқотда бўлиб, ишбилармонлар фаолиятида юзага келаётган айрим муаммоларга биргаликда ечим топомқдалар.

## ҚУЛАЙЛИК

### ТАДБИРКОР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йиллида Савдо-саноят палатасининг вилоят бошқармаси яна бир хайрли ташаббусни амалга оширмоқда.

Ҳусусан, солиқ, банк ва бошқа назорат қилувчи ва хизмат кўрсатувчи тузилмалар билан боғлиқ масалалар бевосита мутасаддилар иштирокида кўриб чиқилаётгани самарали бўлмоқда. Шуниси эътиборлики, ўтган қисқа вақт мобайнида "Очиқ эшиклар кuni" да муружаат қилган 450 га яқин тадбиркор томонидан кўтарилган масалалар жойида кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилди.

Алишер РАҲМАТОВ.

Вилоят хотин-қизларининг тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашда уларнинг истиқболли янги лойиҳалари учун имтиёзли кредитлар ажратилаётгани кўл келмоқда.

## АЁЛЛАРГА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР

Хусусан, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, "Тадбиркор аёл" уюшмаси ҳамда тегишли банк-молия муассасалари билан биргаликда ана шундай 17 та тақлиф кўриб чиқилди. Уларнинг 6 тасига Германиянинг "Жамгарма касса" фонди томонидан 133,1 миллион сўм микдорда молиявий қўмак берилди. Шунингдек, вилоятимиздаги тижорат банклари 7 нафар ишбилармон аёлнинг интилишларини қувватлаб, 150 миллион сўмга яқин имтиёзли кредит ажратди.

Мурод АЛИМОВ.

## ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА ЭРИШГАН ЮТУҚЛАРИМИЗ ФАКТ ВА РАҚАМЛАРДА

Ўзбекистон Республикасини мустақиллик йилларида иқтисодий — ижтимоий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогноза кўрсаткичлари тўғрисидаги статистик тўплам чоп этилди

Энг улуг, энг азиз байрам — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма йиллиги арафасида Давлат статистика қўмитаси ва Иқтисодий вазирлиги "Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққийнинг мустақиллик йилларидаги (1990-2010) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари" статистик тўпламни нашрдан чиқарди.

Мазкур тўпламда мустақиллик йилларида бозор иқтисодиёти ислохотларини амалга ошириш ва Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш натижалари атрофида таҳлил қилиниб, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, иқтисодийни диверсификациялаш ва модернизация қилиш борасидаги энг муҳим ютуқлар ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Исрол Каримов китобхоналарга муружаатида,

тирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича "Ўзбек модели"нинг нечоғли самарадорлиги, тўғрилиги ва ҳаётийлигини яққол намойиш этди.

Тўпламда аниқ кўрсаткич ва фактлар воситасида йигирма йиллик мустақил ривожланиш даврида қанча қийинчиликлар, муаммолар, таҳдид ва синовларни энгилб ўтишга тўғри келганига қарамай, Ўзбекистонда иқтисодиётда изчил ўсиш сурьатлари ва таркибий ўзгаришларни таъминлаш, мамлакатнинг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини юксалтириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳоли ҳаёт сифати ва даражасини ошириш бўйича кенг қўламли ва бир-бири билан ўзаро боғлиқ тўб ўзгаришлар ҳаётга изчил таъбиқ этилгани аниқ мисоллар асосида кўрсатиб берилган. Бу ўринда йигирма йил мобайнида республика ялпи ички маҳсулоти харид қилиш қобилияти бўйича 3,4 баробар, яъни 27,1 миллиард доллар-

дан 92,3 миллиард долларга, саноят маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми эса 3 баробар ошганини айтиб ўтиш қиёфя.

Тўпламда республикамизнинг етакчи тармоқлари ва умуман иқтисодиётини ривожлантириш тенденциялари, унинг таркиби ва бошқарув тизимидаги сифат ўзгаришлари таҳлилига алоҳида эътибор қаратилган. Мустақиллик йилларида тизимли таркибий тўб ўзгаришларнинг изчил амалга оширилиши натижасида Ўзбекистон иқтисодиёти бир ёқлама, асосан хом ашё етказиб бериш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришга йўналтирилган мамлакатдан иқтисодиётнинг замонавий индустриал сектори, юқори технологияли тармоқлар ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш алоҳида ўрин тутадиган, диверсификациялашган ишлаб чиқариш тизимисига эга давлатга айланди.

Шу давр мобайнида ялпи ички маҳсулот таркибида саноат улуши 17 фоиздан 24 фоизга, хизматлар улуши 34 фоиздан 49 фоизга ошди. Автомобилсалиқ, нефть-газ, қиёв, фармацевтика, замонавий озиқ-овқат ва тўқимачилик саноти каби янги иқтисодиёт тармоқлари ташкил қилинди. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш таркибида чукур ислотларнинг амалга оширилиши, ердан фойдаланишнинг ижара шаклига асосланган бозор муносабатларига ўтиш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг замонавий инфратузилмасини ташкил этиш галла мустақиллигига эришиш ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши умумий ҳажмининг 1,8 баробар ошариши имконини берди. Натижада истиқлол йилларида барқарор пахта етиштириши таъминлаш билан бир вақтда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши таркибида пахта улуши 47,7 фоиздан 11,1 фоизга қамайди, галла етиштириш ҳажми 3,7, гўшт етиштириш 1,9 баробар

(Давоми 2-бетда).

## Вилоят Ҳаёти

### БҲКА ТУМАНИ

#### МИНИТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА

Тадбиркор Ҳаёт Азаматов гўштни қайта ишлашга ихтисослашган "Бунёд-жон-Ибратжон" хусусий корхонаси фаолиятини йўлга қўйди. Корхона минни технология билан таъминлашда тадбиркорнинг ўз маблагидан ташқари банкнинг 60 миллион сўмлик кредити кўл келди. Аини пайтда 4 киши иш билан таъминланган корхонада тайёрланаётган турфа гўшт маҳсулотлари пешма-пеш худуддаги савдо шаҳобчаларига етказиб берилмоқда.

### ҚИБРАЙ ТУМАНИ

#### УЧ МИЛЛИАРД СЎМЛИК ЛОЙИҲА

Қибрайлик Дилмурод Умаров соатиға 5 минг литр чақовбосди ичимлик тайёрлаш қувватига эга бўлган корхона фаолиятини йўлга қўйди. Корхона тадбиркорнинг 3 миллиард сўмлик сармояси ҳисобидан турли сизимлардаги елим идишларга ичимлик қадқовчи хорижий илгор технологияли линияси билан жиҳозланди. Лойиҳанинг амалга ошириши билан туман ёшларининг 20 га яқини иш билан таъминланди. Таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг 6 ойида туманда янги ишлаб чиқариш қувватларининг фойдаланишга топширилиши натижасида 110 та иш ўрни вужудга келди.

Шерзод МУҲАММАДИЕВ.

КУЗГИ БУҒДОЙ СЕПИШ

# УРУҒ САРА — ҲОСИЛ МЎЛ

Маълумки, деҳқонларимиз бу йил ҳар қачонгидан ҳам мураккаб қийинчиликларга дуч келишди. Куз ва кўламда ёнғинчилик етарли бўлмади, уруғликни тўла ундириб олиш, ниҳолларни бир текис ривожлантириш оғир кечди. Лекин астойдил меҳнат ўз самарасини бериб, галлакорларимиз мавсумни ёғир юз билан аяқлашди.

Албатта, шартномани адо этишда галлачиликни зарур моддий-техник ресурслар билан таъминлаш, сифатли уруғлик, минерал ўғит, ёқилғи-мойлаш материалларини ўз вақтида етказиб бериш, имтиёзли кредитлар ажратиб деҳқонларимизга катта қўл ва мадад бағишламоқда. Шу босис бу йилги мураккаб шароитда ҳам вилоятимиз туманларида ўртача ҳосилдорлик 53-64 центнерга чиқди.

Ўрним-йигим мавсумида "Ўздавдонинспекция"нинг вилоят худудий бўлими мутахассислари галла етиштирувчи фермер хўжалиқлари топшираётган доннинг сифати тўғрисида таҳлил қилини шиддий назоратга олинди. Фермер хўжалиқлари ва тадбиркорлар иштирокида семинарлар, тушунтириш-тарғибот ишлари мунтазам олиб борилди. Айни пайтда жойлардаги аҳолидан бохабар бўлиб туриш учун "Ишонч телефони" ташкил этилди, ҳар ойнинг учинчи шанбаси "Очқик эшиклар кўни" деб эълон қилинди. Бу чоралар икки томонлама алоқани кучайтириб, қамчиликларни тез бартараф этиш имкони-

"Дўстлик" уруғлик цехида ва "Охангарон дон" акциядорлик жамияти бош қорхонасининг уруғлик цехларида Германиянинг "Петкус" фирмасида ишлаб чиқарилган замонавий уруғлик тозалаш линиялари ўрнатилди. Бошқа цехларни ҳам келгусида шундай замонавий ускуналар билан таъминлаш бўйича дастурлар ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда вилоятимизда тайёрланган доннинг аксарият қисми фермер хўжалиқлари ва аҳоли ихтиёрида қолдирилади. Бу деҳқонларимизнинг рўзғорига кут-барақа киритиб, омборини галлага тўлдирмоқда. Айни вақтда галлачиликни ривожлантириш ҳисобидан юртимизда озик-овқат саноати, чорвачилик ва паррандачилик жадал тараққий топиб, ички бозоримизни ун ва нон, гўшт ва сут маҳсулотлари, тухум билан таъминлаш тобора аяшланиб бораётди.

Дарҳақиқат, сара дон халқимизнинг риқ-насибидир. У мўл ва сифатли бўлиши учун кузги буғдойни яхши ишлов берилган тупроққа эҳтилоқ. Сара уруғ бунда муҳим ўрни ташкили унутмайлик.

**Тоҳиржон ШОДМОНКУЛОВ,**  
**"Ўздавдонинспекция"**  
**вилоят худудий бўлими** бош давлат дон инспектори.



## ЯНГИ БОҒ ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

Энг улғу, энг азиз байрам арафасида Пискент тумани аҳолисига ажойиб туҳфа тайёрланди. Кексаю ёш мириқиб дам оладиган истироҳат боғи Олмалик кон-металлургия комбинати курувчилари томонидан бунёд этилди.

Очишлиш маросими боғнинг гўзаллиги, хусн-тароватига монанд кўтаринки, завқ-шавққа бой бўлди. Таниқли санъаткорлар, машҳур спорт усталари, меҳнат фахрийлари, эл-юрт хизматидаги фаоллар иштироки тадбирга файз бағишлади. Айниқса, боғ марказидаги 600 кишилик амфитеатрда туман ҳокими соврини учун ўтказилган миллий кураш бўйича мусобақа иштирокчию томошабинларга ўзгача хузуру бахш этди. Чапдасат полвонларнинг курашини томоша қилиш учун республикамизнинг турли вилоятларидан ташриф буюрган меҳмонлар ҳам олам-олам қувонч бағишлаган байрам тадбири ташкилотчиларнинг жонкуярлиги, фидойилигидан дарак

бериб турибди. Болалар учун бунёд этилган эртақлар шаҳарчаси, кекса отахон-онахонларга мўлжалланган соя-салқин хиёбонар, чойхоналарда шодон кулгу, қаҳқаҳа, дилдорлар куй-қўшқик бетўхтов янграйди.

Истироҳат боғининг очилиш маросимида иштирок этганларга пискентликлар нафақат меҳнатда, балки, мазмунли дам олиш, хордик чиқаришда ҳам тадбирли, зукко, ишбилармон эканликларини намойиш этишди. Фарзандлари қувонч шодлигига гувоҳ ота-оналар эса бундан кейин ҳам ҳар байрамда бу гўзал максаганга йиғилиб туришга аҳд қилишди.

**Сайёра РИХСИЕВА,**  
**Даврон АҲМАД**  
**олган суратлар.**



Тўпلامда мамлакатимиз бўйича келтирилган курсаткилар Йигирма йил ичида кенг тармоқли тижорат банклари ташкил этилгани, уларнинг капитал ва ресурс базаси узлуксиз кўпайиб бораётгани, инвестиция фаолиятида банк тизимининг иштироки кенгаётгани, аҳолининг банкларга бўлган ишончи ортаётгани натижасида банкларда депозит-

# ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА ЭРИШГАН ЮТУҚЛАРИМИЗ ФАКТ ВА РАҚАМЛАРДА

лар ўсаётганидан ёрқин далолат беради. Айни пайтда барча кредитларнинг 75 фоиздан ортигини янги ишлаб чиқаришлари барпо этиш, фаолият кўрсатаётган қорхоналарни модернизация қилиш ва технология янгилашга йўналтирилган узоқ муддатли инвестиция кредитлари ташкил қилади. Ўзбекистон банклари га етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан берилган барқарорлик рейтинглари уларнинг юқори даражада молиявий мустаҳкамлигини тасдиқлайди.

Кулай инвестиция муҳитини яратиш ва фаол инвестиция сивасини амалга ошириш мамлакатимизни иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим омилга айланди. Бу эса, ўз навбатида, истиқлол йилларида ҳар йили ўзлаштирилаётган капитал йўналишлар ҳажмини 11,8 баробар ошириш, молиялаш маъбалири ва фойдаланиш йўналишлари бўйича уларнинг таркибини сифат жиҳатидан ўзгариштириш имконини берди. 1990 йилда барча инвестицияларнинг 46,3 фоизини давлат бюджети маблағлари ташкил этган бўлса, 2010 йилда ҳам капитал йўналишларнинг 57,9 фоизини марказлаштирилмаган маблағлар, 29,1 фоизини эса хорижий инвестициялар таъминлади. Бундан ташқари, шу давр мобайнида ишлаб чиқаришга йўналтирилган инвестициялар 58,3 фоиздан 73,5 фоизга кўпайди. Мустақиллик йилларида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Шўртан газ-кимё мажмуаси, Кўнғирот сода заводи, Деҳқонobod қайрили ўғитлар заводи, Асака ва Самарқанд шаҳарларидаги автомобиль заводлари каби йигирмадан ортиқ қорхона, ўнлаб замонавий тўқимачилик комплекслари ва кўплаб бошқа қорхоналар фойдаланишга топширилди.

Тўпلامга киритилган материалларда истиқлол йилларида республикамиз жаҳон хўжалик алоқалари тизимига босқичма-босқич боргани ахс этган. Шунинг унутмаслик керакки, сўнгги йигирма йил ичида жаҳон иқтисодиёти қатор таназууллар, жумладан, 1997-1998 йиллардаги жаҳон молиявий инқирози, фонд ва товар бозорларидаги кўплаб кескин пасайишлар, шунингдек, 2008 йилда бошланган

(Давоми. Боши 1-бетда).

Таълим жараёнида ҳар бир ўғил-қизнинг дунёқараши, иқтидори, орзу-интилишлариға ўқитувчилар, педагог-психологлар томонидан алоҳида ёндашилаётгани ўқувчиларнинг барча фанларни пухта ва мукамал ўзлаштиришида, улар ўртасида маърифий-тарбиявий ишларни самарали йўлга қўйишда муҳим омил бўлмоқда.

Фарзандим Фарангиз бу йил биринчи синфга борди, — дейди Ойсифат Қўлдошева. — Мактаб остонасига ilk қадам қўйган барча болалар сингари унга ҳам Президентимиз совғалари — дарсликлар, мактаб анжонларидан иборат тўпلام тантанали топширилган, боланинг кўнгли янада кўтарилди. Буларнинг барчаси давлатимиз раҳбари томонидан ёш авлод камолоти йўлида курсатилган гамхўрликнинг ёрқин ифодасидир. Тўпلامдаги барча ўқув курашлари боланинг ёши, тафаккури, дунёқарашига

# ЧЕКСИЗ МЕҲР-ЭЪТИБОР ИФОДАСИ

моллиги, уларни тайёрлашда асосан ёрқин ранглардан фойдаланилгани, маънавий-ахлоқий меъёрлар, санитария-гигиена талаблари, давлат стандартлариға қатъий амал қилинган таҳсинга сазовордир.

— Хозирги ўқув муассасаларини бундан Йигирма йиллар аввалги мактаблар билан мулоқоқ таққослаб бўлмайди, — дейди Зангиота туманидаги 25-мактаб директори Авазғиша Муҳиддинов. — Соҳадаги изилорин янада пухта билим



чил ислохотлар самарасида мактаб таълими бутунлай ўзгарди, дарсликлардаги бир хиллик, такрорий мавзулар, биология, кимё, математика, география, хорижий тиллар, жисмоний тарбия сингари фанлар бўйича ўқитувчиларнинг етишмаслиги каби ҳолатлар бундан топди. Бугунги ёш авлод камолоти йўлида яратилган имкониятлар, кенг ва ёруғ, мухташам ўқув бинолари, таълим сифати ва мазмундаги туб илҳобий ўзгаришлар бола-болани янада пухта билим

олишга, эзгу орзулар, аниқ мақсадлар сари дадил интилишга, изланишга, қатъиятга, иродали ва фаол бўлишга ундамоқда. Дарҳақиқат, маърифий соҳадаги эзгу саз-ҳаракатлар натижалари янгиға фикрлайдиган, кенг ва соғлом дунёқарашга эға, билимга чанқоқ, ҳар жиҳатдан соғлом авлоднинг шаклланишида, ёшларнинг пухта таълими олишга бўлган иштиғи ва интилишнинг тобора ортаётганида, ўзи қизиққан йўналиш ва соҳалар бўйича юқори

малакали мутахассисликка эға бўлиш, шу азиз Ватан тақдирига, унинг эртанги кўниға дахлдорлик ҳиссининг янада кучайиб бораётганида ўзи ифодасини топаётди. Буларнинг барчаси юртимизда билимлик, юксак ижодий-интеллектуал салоҳиятга ва маънавиятга, ҳар жиҳатдан соғлом шахсларни вояға етказиш юзасидан амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг ёрқин ифодасидир. **Назозат УСМОНОВА,**  
**Ўза муҳбири.**

## ФЕРМЕРНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИ

Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси ҳақида Тадбиркор оёғ уюшмаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан тармоқ вакиллариға муносиб туҳфа ҳозирлади.

Тадбиркорлик фаолиятини юртишиш ва бизнесни ташкил этувчиларнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳамда илҳобий-услубий қўлланмалар билан таъминлаш мақсадида 5 йилда илҳоб ривожлантириш бўйича қабул қилинган турта Бир-бири билан ўзаро боғлиқ стратегия дастурини амалга оширилиши, банк-молия тизимини ислох қилиш мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим ўрни тутади ва янги ички маҳсулотни 1,5 баробар кўпайтиришни таъминлайди.

Иқтисодиётда таркибий туб ўзгаришларни фаол давом эттириш яқин йилларда янги ички маҳсулот таркибида саноат улущини, биринчи навбатда, энергетика, нефть-газ-кимё, кимё, тўқимачилик ва энгил саноат, рангли металлургия, машинасозлик ва автомобильсозлик, фармацевтика, замонавий курилиш ҳамда пардозлаш материаллари ишлаб чиқариш каби устувор тармоқларни ривожлантириш ҳисобиға 24 фоиздан 28 фоизга ошириш имконини беради. Бундан ташқари, келгуси йилларда илҳобий соҳа ва хизмат кўрсатиш сектори янада равнақ топади, инфратузилма лойиҳалари амалга оширилиши, турарий объектлари, шу жумладан, қишлоқ жойларда фойдаланишга топширилади.

Тўпلامда қайд этилганидек, кенг кўламли иқтисодий ислохотларни давом эттириш, мавжуд ресурслар ва имкониятларни жалб этиш, ислохотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштиришға қаратилган чора-тадбирларни изчиллик билан амалга ошириш, аҳоли ҳаёт сифати ва жами даромадини босқичма-босқич кўпайтириб босиш, пировард натижада, ўз олдимиға қўйган эзгу мақсадимизға эришиш — иқтисодий жиҳатдан ривожланган демократик давлатлар қаторига қўшилиш ҳамда жаҳон ҳам-жамиятида муносиб ўрин эгаллаш имконини беради.

Мамлакатимизнинг етакчи иқтисодчилари, илҳобий-тадкикот институтлари иштирокида тайёрланган ушбу тўпلام, биринчи навбатда, ёшларда, янги касб-хўна қоллежлари ва академик лицей ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабаларида катта қизиқиш уйғотиши, кенг дорадаги мутахассислар, олимлар, ўқитувчилар, давлат ва жамоат ташкилотлари ходимлари учун фойдали қўлланма бўлиши шубҳасиз. **Ўза.**

## ИСТИҚЛОЛ ТЕНГДОШЛАРИ

### БИРИНЧИ КИТОБ...

Бобомнинг "Ҳар қандай инсон фақатгина ўз Ватанида азиз муқаррам бўла олади" деган гапларини ёшим йигирмага етиб, эл қорига ярашга шай фарзанд бўлганимда тушунгандек бўлаяман...

Мен ҳурлик, мустақиллик байроғи Ватанимизнинг мусаффо осмониде баралла хилпираган, тарихий адолат қарор топган йилда туғилганман.

Кечагидек ёдимда. Илк бора кўларимда даста гул билан мактабга йўл олгандим. Устозимиз мен каби тенгдошларимға мактаб ўқув қуроллари жамланган "Президент совғаси"ни топширдилар. Уша лаҳзаларда қувончим чексиз, мендан бахтиёр ва омадли бола йўқ эди гўё.

3-умумтаълим мактаби ҳам туманимизнинг энг олди ва замон талаблари даражада жиҳозланган таълим даргоҳларидан бири бўлганлиги учун, мактаб, туман, вилоят миқёсида ўтказиладиган фан олимпиадаларида қатнашиб, муносиб ўринларни эгаллашға интиладик. Мактабни тамомлағач, Фазалкент хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт касб-хўна қоллежиде ўқидим. Замонавий компьютер хоналари, талабалар учун керакли бўлган ўқув адабиётларидан тортиб, жаҳон адабларининг асарларини ўзида жамлаган ахборот-ресурс марказиде керакли адабиётларни ўқиш, таҳлил қила олиш имконияти ўзи устимда кўпроқ ишлашға ундади.

2008 йилда "Камолот" ёшлар илҳобий ҳаракати ташкил этган "Иқтидорли ёшлар III анжумани"да голибликни қўлга киритиш, 2009 йилда "Келажақ овози" мега-танловининг республика босқичини ҳамда жиҳатимнинг энг бахтли онлари бўлди.

Ҳар бир инсоннинг ҳаётида ўз орзу-умидлари, истак ва қизиқишлари бўлганидек, мен ҳам бўш вақтларимда шеърлар ва бадиалар ёзиб тураман. Ватанимизнинг 20 йиллик шодиёнаси арафасида биринчи китобим нашрдан чиққани эса мени янада қувонтирди. Бугунги ёшларға эътибор қўчили. Уларнинг ўқиб-изланиш, келажақда Ватанимиз муносиб фарзандлари бўлиб етишишлари учун барча шароитлар яратилган. Юртбошимизнинг "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт" деган сўзлари янада қатъий билан билим қўқиқларини эгаллашмишда дастуриамал бўлмоқда.

Бизға курсатилган гамхўрлиғу эъзоз ва шароитлардан фойдаланиб, бор куч-ғайратини Ватан равнақи учун сарфлаш асосий мақсадим. Мен Ўзбекистондек улғу дунёда туғилганимдан, шу заминнинг фарзанди эканлиғимдан фархалланман. Чунки мен Мустақиллик тенгдошиман!

**Суннат МУСАМЕДОВ,**  
**Бўстонлик тумани.**

## ИСТИҚЛОЛ МУСТАҲКАМ ИШОНЧ

Мустақиллик байрами арафасида Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — энгилмас куч" асарини яна бир бор ўқиган келди. Бу китоб ўз салоҳиятимиз ва имкониятларимизға бўлган ишончимизни мустаҳкамлайдиган дастурий амалдир. Уни ўқиб эканмиз, халқимизнинг ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган буюк маънавият соҳиб эълани, аждодларимизнинг қандай мўътабар зотлар бўлгани, она Ватанимизнинг бекиёб имкониятлари кўз ўнгимизда яққол намойен бўлади.

Халқимиз табиатидаги бирлик, ҳамкорлик, ҳам-жиҳатлик, мақсад сари интилиш ўзига хос фазилатға айланиб кетган. Улуғ хикмат дурдоналарини яратган халқимиз тафаккуридан озикланидиган миллий гоғямиз бизни юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва фаровонлиғи йўлида бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилишға ундайди.

Фарзандларимиз солиҳ ва барқамол, соғлом ва бахтли бўлишлари учун ёшларимиздан ўзи устиде қаттиқ ишлаш, тинимсиз изланиш талаб этилади, бу замон талаби. "Сендан ҳаракат — мендан баракат" деб бежиз айтилмаган. Китобда ёшлар, тарбия, маънавият, миллий гоғ масалалари юзасидан ота-оналар зиммасидаги энг муҳим вазифалар белгилаб берилган.

**Феруза ҒОЗИЕВА,**  
**Яқсаро туманидаги 1-давлат нотариал идораси нотариуси.**

### ШУ АЗИЗ ВАТАН ФАРЗАНДАРИМИЗ

Яхши ишлаган киши, албатта, яхши яшайди. Инсон йўқдан бор қилиб, ўз меҳнати билан турмушини фаровонлаштиради. Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда жуда катта имкониятлар очилди. Биз ундан оқилона фойдаланиб, ризқ-рўз топяпмиз, турмушимизни гузаллаштириб, ҳаётимизни фаровонлаштиряпмиз. Ҳаммамиз учун ягона Ўзбекистонимиз ўз мустақиллигини қўлга киритиши билан тадбиркорлик ҳаракатимизни бошлаб юбордик.

Онлавий тадбиркорлик билан шуғулланиш мақсадида "Кроед" хусусий фирмасини ташкил этдик. Оиламизнинг тўрт аъзоси – турмуш ўртоғим Александр Макеев бош мутахассис, келиним Ксения ҳисобчи, ўғлим ишчи. Оилавий фирмамизнинг асосий машғулотлари электр двигателлар ва бошқа ускуналарни созлаш. Буюртма етарли, қўлимиз ишдан бўшамайди.

Меҳнат – инсоннинг зийнати. Фақат уни ўрнига қўйиш, кучни билиб, нафига қараб сарфламоқ керак. Меҳнат қилсанг бас, ризқингни тегиб олаверасан. Мана масалан, оиламизда ҳеч ким бирор фурсат бўш ўтирмайди. Кичкинагина томоркамизда ҳам помидор, картошка етиштирамиз. Қарабизки, рўзгоримиз бут, ризқимиз бутун. Шукрки, осмонимиз ҳам тинч.

Бизнинг "Ишчилар" маҳалласида 529 та хонадон бор. Ҳаммаси файзли, тартибли. Ўзбек, қозок, рус, корейс, тожик, татар, хитой ва немислар тинч-тотувликда умргузаронлик қилаяпмиз. Тўйимиз бир, тўйчиқларимиз бир. Ҳаммиша бир-биримизга елкадош, қўлдошимиз. Маҳалламизга қўл йиллардан буён Мўътабар Оқулова раис. Қанчон қарасанг, катта бир ишни бошлаётган бўлади. Ҳаммамиз ҳар бир юмушга ҳам-жихатликда киришамиз. Шу боис, маҳалламиз обод бўлиб, довуқ қозонапти. Шундай ахил-иноқ, обод маҳаллалар янгиланаётган жамиятимизнинг асоси, мустақил давлатимизнинг таъинидир.

**Анна МАКЕЕВА,**  
Қуйи Чирчиқ тумани  
Дўстобод шаҳридаги  
"Кроед" хусусий  
фирмаси раҳбари.

### БАЙРАМ СОВФАСИ



## ТАДБИРКОРГА – 15 МИЛЛИОН СЎМЛИК ГРАНТ

Бозор муносабатлари шароитида сармоя киритиш, айниқса, чекка туманларда алоҳида изланувчанлик, гайрат-шижоат билан ишлашни тақозо этади. Оҳангарон туманининг чекка Гул-обод қишлоғида яшовчи фермер, "Тадбиркор аёл" ассоциацияси вакили Гулчехра Пўлатова шу қатъий мақсад билан фермер хўжалиқлари учун доимий ҳаракатдаги маслаҳат-маълумот ўқув маркази ташкил қилиш лойиҳасини ишлаб чиққан эди. Ўзбекистон ишбилармон аёллар "Тадбиркор аёл" ассоциациясининг вилоят бўлими уни қўриб чи-

қиб, маъқуллади. Истиқболли бу лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат но-тижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат жамғармасига тақдим этилди.

Ҳокимлиги Дўстлик қишлоқ фуқаролар йиғинидаги эски маъмурий бинони ўқув маркази учун ажратиш хусусида 2007 йилнинг 3 май куни қарор қабул қилган эди, – деди тадбиркор аёл. – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида бунинг учун давлат гранти ажратилганлиги нур устига аяло нур бўлди. Ўқув зали ва хоналарни жиҳозлаш учун хусусий жамғармаларимиз ҳисобидан 6 миллион сўм қўшимча маблағ сарфлаш ниятидамиз.

**Жўрабек МУРОДОВ,**  
**Еркебой БОТИРОВ**  
олган сурат.

### Янги ўқув йилига тахт

Қибрай туманидаги педагогика касб-хўнарс коллежининг 9 қаватли ётоқхонаси капитал таъмирланиб, янги ўқув йилига тахт қилинди.

### "Дашти боғ"нинг балиқлари

Оққўрғон туманидаги "Дашти боғ" фермер хўжалигида қўшимча йўналиш сифатида балиқчилик йўлга қўйилди.

### ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Аслида хиёнатнинг тури кўп: юртва хиёнат, касбга хиёнат, дўстга хиёнат, севгига ва ҳоказо. Ҳўш, хиёнатни кечириб бўлмайди.

Кўйида ҳикоя қилмоқчи бўлган уюшган жиноятчилар гуруҳлари қилмишларини ҳам касбга нисбатан ва қолаверса, юрт иқтисодиётига қилинган хиёнатга менигдаш мумкин. Ачинарлиси, 3 та гуруҳдан иборат уюшган жиноятчиларнинг 8 кишилик икита гуруҳи давлатнинг ишонган вакиллари, яъни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларидан иборатлигидир. Бу икки гуруҳ бирор-бир ерда ёлчитиб ишламаган ва қўлга олинганга қадар бўлган даврда ҳам бирор-бир ишнинг бошини тутмаган жиноятчилар гуруҳига қўшилиб, улар жиноятига шерик бўлган.

Гап шундаки, улар давлат манфаатларига жуда катта миқдорда иқтисодий зарар келтирганлар. Тўғри, бу билан мамлакат иқтисодиёти депсиниб, унинг ривожланиш механизми тўхтаб қолгани йўқ. Юртимиздаги иқтисодий кўрсаткичлар залвори бардавом тарзда янада юксак марралар сари, янада фаровон тараққиёт сари юксалишда давом этмоқда. Аммо одамларнинг ишчанлик қайфиятига ёмон таъсир қилувчи жиноятчилик кўчасига кирганларнинг қилмишлари ҳеч қачон жазосиз қолмаслиги лозим. Ва шундай бўлади ҳам. Қонунларимизда бу қатъий белгиланган.

Келинг, яхшиши воқеа тафсилотларига ўтсак.

Бекободлик Б. Каримов аввал судланмаган. Аммо 33 ёшга етганида йўлдан адашди...

катигача боргунча темир парчаларини ерга ташлашлари, сўнг вагондан дарҳол тушиб, уларни тезликда тегиб-йиғиб, бир жойга тўплашлари ва М. Юсуповга тегишли 11 О 9735 давлат рақамидagi "ГАЗ-53" русумли ҳамда О. Худойкуловга тегишли 11 С 6984 давлат рақамидagi "ГАЗ-52" русумли юк автомобиллари ва С. Холқўзиевга тегишли "Дамас" га юкчаб керакли манзилга олиб боришлари белгиланган. Шунингдек, Бекободдан, аниқроғи, Бекободдаги "Ўзбекистон металлургия комбинати" ОАЖдан поездга юкланган турли хажмдаги пўлат шарларни Ховосга эл-

ли, олий маълумотли Қ. Саитмуродов ва Ховос тумани ички ишлар бўлимининг Бекобод бўлинимаси пост-патруль хизмати милиционериди Р. Расуловларни ҳамкор қилиб олди. Қарабизки, кўз очиб-юмгунча иккинчи жиноий гуруҳ ҳам шаклланди. Аммо бу ҳали камлик қилишини гуруҳбоши тезда англаб етди. Негаки, уларнинг ҳеч бир тўсиқсиз, доимий ҳаракат қилиши учун ҳалақат қиладиган катта куч бор эди. Бу вагонларни қўриқлашга масъул бўлган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш хизмати ходимлари эди.

аниқланишича, жиноий уюшма дастлаб, яъни 2009 йил ёзида 7 тонна-ю 240 кило қора металл парчаларини ўмарган. Уларнинг ҳар килосини 130 сўмдан жами 1 миллион 277 минг 136 сўмга пуллаяди. Ва бу пуллар гуруҳ аъзолари орасида тақсимланади. Кейинги режа 2010 йил 30 май кунига белгиланади ва шу кун жиноий уюшма 3452-сонли юк поезди таркибидagi 5554150-рақамли вагондан 9,55 тонна металл парчаларини ўмарига эришади. "Ўлжа"нинг ҳар килоси яна 130 сўмдан пулланади ва 1 миллион 678 минг 890 сўмлик "даромад"га эга бўлишади. 8 июнь кун эса жиноий

келмагани, аниқроғи, "ўлжа" камлиги боис 25 октябрда яна "рейд"га чиқиб, 96290424-рақамли вагондан 7,55 тонна (1 миллион 327 минг 290 сўмлик), 26 ноябрь кун 67649079-рақамли вагондан 10,2 тонна (1 миллион 793 минг 160 сўмлик) металл ўмаришади.

Ўғрилиқда тобора катта тажриба орттириб бораётган жиноий уюшманинг нафси ўпқондек очилиб бораётган бўлишига қарамай, улар эҳтиёткорликни унутмасди. Энг қулай пайтнинг пойлашарди. Бундай пайт келишини сабр-тоқат билан кутишни ҳам жойига қўйишарди. Айнан қулай вақт

нинг жиноий ҳаракатларига қаршилик қилмаслик эвазига улардан вақти-вақти билан пул олиб турган. Бу ҳақ эвазига жиноий фаолиятга барқарор, хавфсиз ва қулай шароит яратиш учун юк вагонларининг келиш-кейтиш вақти, вагонларнинг жойлашиш ўрни, ўғрилиқ содир этиш учун ён-афроддаги қулай вазият ҳақида ва бошқа зарур маълумотларни уяли телефон орқали хабар бериб туришган.

# УЧАРЛАР ТУЗГАН "УЧЛИК"

ёхуд Бекобод – Ховос ва Ховос – Бекобод йўналишида ҳаракатланаётган юк поездлари вагонларидан тонналаб металл парчалари ва турли хажмдаги тайёр маҳсулот – пўлат шарлар ўғирланишига барҳам берилгани хусусида

тувчи поездлардан ҳам шу йўсинда ўғирликлар содир қилиш ва уларни "енг ичида" пуллаб катта фойда олиб режалаштирилган. Айнан шу режа асосида 2009 йил ёз ойларида улар фаолиятини бошлашди. Аммо... улар фаолиятига ҳалақат берувчилар ҳам кўп экан.

Нақадар топиб айтилган гап-а. Гуруҳбошига қаловини топиш чўт эмас эди. Шунчалар устаси фарангки, ҳар қандай кишининг енгидан кириб, ёқасидан чиқади. Бу ҳам балки ўзига хос "истеъдод" дир. Лекин уни истеъдодли дейишга тил бормайди-ю, бироқ нима бўлганда ҳам у учинчи жиноий гуруҳнинг да тузишга эришди. Бунинг учун у Ховос ҳарбийлаштирилган қўриқлаш командасида ўқчи лавозимига ишлаган, олий маълумотли Ф. Тожибоевни "қўлга олди". У ҳам ёнига ўз ҳамкорларини орчлашти тайин эди. Буни гуруҳбоши биларди. Шу боис бу ёғидан хавотир олмади. Қарабизки, ўз-ўзидан яна бир жиноий гуруҳ тузилди. Унинг етакчилигидаги гуруҳга Ховос ҳарбийлаштирилган қўриқлаш командасида ўқчи лавозимда ишлаган Ш. Холматовлар бириктирилган. Шундай қилиб, учлик шаклидаги жиноий уюшма юзага келди ва улар жиноий фаолияти 2009 йил ёз ойларидан 2010 йил 6 декабрда, яъни қўлга олинганга қадар давом этди.

Тергов-суриштирув жараёнларида уюшма яна ўзaro келишган ҳолда навбатдаги "рейд" тадбирини ўтказишарди. Бу гал ҳам 3452-рақамли поезд таркибидagi 33732077-сонли вагондан оз эмас, кўп эмас – роплароса 10,8 тонналик темир парчаларини туширишга ва йўл-йўлакай йиғиб олишга эришади. Бу билан улар 1 миллион 898 минг 640 сўмлик маблағга эга бўладилар ва бу маблағ "рейд" иштирокчилари ўртасида ҳар кимнинг даражасига қараб тақсимланади. Кейинги "ов" 7 июль кун амалга оширилади. 3452-сонли поезд маъназилга етиб борганида унинг 60958378-рақамли вагонидан 8,7 тонна юк кам чиқишида айнан маъмур жиноий уюшманинг хиссаси бор эди. Ўмарилган металл парчалари бу гал уларга 1 миллион 529 минг 460 сўмлик "даромад" келтиради. 27 сентябрь кунги сай-ҳаракат ҳам улар учун бароридан келди. Поезднинг 67650903-рақамли вагонидан 5,4 тонна – 949 минг 320 сўмлик хом ашё гўмдон қилинади. Бу гал "даромад"нинг чўғи сал камлиги боис шу ойнинг ўзида, аниқроғи, 29 сентябрда яна ўларга сўйган "ов"ни "ейишга" киришади. Қисқаси, шу кун 63273411-рақамли вагондан 6,78 тонна (1 миллион 191 минг 924 сўмлик), 14 октябрда эса 65220840-рақамли вагондан 2,9 тонна (509 минг 820 сўмлик), бу гал ҳам "ов" бароридан

келганини эса уларга жиноий уюшманинг иккинчи ва учинчи гуруҳи аъзолари айтишарди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, улар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг масъул ходимлари, яъни масъул мансабдор шахслар бўла туриб, хизмат вазифаларига қўра, хизмат ҳудудида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, уларнинг олдини олиш, юк вагонларидаги товар-моддий бойликларни қўриқлаш, талон-торож қилинишининг олдини олиш, Бекобод темир йўл бекатида келган вагонлардаги металл парчаларини "Ўзметкомбинат" ОАЖга ва металл комбинатдан чиқаётган юк вагонларини Бекобод бекатига қузатиб бориш, вагон қабул қилувчиларга топшириш ва бошқа масъулияти вазифалар юкларини бўлишига қарамай, улар тантанали қасамёд билан қабул қилган Ватан олдидаги бурчларини бир четга суриб, яъни ўз касбига хиёнат қилиб, жиноят кўчасига кирган ўғирларга шерик бўлишарди. Улар жиноий гуруҳлар билан олдиндан ўзаро тил бириктириб, келишувга қўра, хизмат ҳудудидаги темир йўл вагонларидан пўлат шарлар ва қора металл парчаларини ўғрилаш билан шуғулланадиган шахсларни аниқлаб, уларга нисбатан қонуний чоралар қўрмаслик, бирон-бир ҳужжат тузмастик, улар-

нинг жиноий ҳаракатларига қаршилик қилмаслик эвазига улардан вақти-вақти билан пул олиб турган. Бу ҳақ эвазига жиноий фаолиятга барқарор, хавфсиз ва қулай шароит яратиш учун юк вагонларининг келиш-кейтиш вақти, вагонларнинг жойлашиш ўрни, ўғрилиқ содир этиш учун ён-афроддаги қулай вазият ҳақида ва бошқа зарур маълумотларни уяли телефон орқали хабар бериб туришган.

Аммо жиноий уюшма вакиллари "шоҳида" юришга қанчалик уринмасин, "баргида" юрвчилар ҳам борлигини унуттишганди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ўз бурчи, шунингдек, Ватан олдидаги савдоқатини ҳар он намоен қила оладиган ватанпарвар ўғлонлари уларнинг қилмишига нуқта қўйди. Жиноий уюшмани жиноят устида қўлга олиш чоғида воқеа жойидан 2 тонна-ю 170 килолик (1 миллион 749 минг 888 сўмлик) пўлат шарлар ва 7 тонна-ю 240 килолик (1 миллион 277 минг 136 сўмлик) қора металл парчалари топилиб, далилий ашё сифатида олинди.

Умуман, бу жиноий уюшма ўз фаолияти давомида жами 69 тонна-ю 120 кило қора металл парчалари (улар савдосидан тушган пуллар жами 13 миллион 905 минг 708 сўмга тенг бўлган) ва 2 тонна-ю 170 килога тенг 1112 дона ҳар хил хажмдаги пўлат шарларни (катта хажмли пўлат шарларнинг бир донасини 1 минг 200 сўмдан, кичигини эса 130 сўмдан пуллашган) ўғрилаб, Бекобод шаҳридаги 9-автобазага олиб бориб, дастлабки терговда аниқлаш имкони бўлмаган "Алижон" исмли шахсга ва Ширин шаҳридаги қурилиш корхонасида корейс миллиятига мансуб фуқарога, пўлат шарларни эса Бекобод туманида яшовчи терговда шахсини аниқлаш имкони бўлмаган "Юсуф" исмли шахсга ва бошқа фуқароларга сотган. Бу қилмишлари билан улар "Ўзбекистон металлургия комбинати" ОАЖ манфаатларига 12 миллион 155 минг 820 сўм, "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК манфаатларига эса жами 1 миллион 749 минг 888 сўм миқдорда моддий зарар етказган.

Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти суди жорий йилнинг май ойида ушбу жиноят иши юзасидан ўз хукмини ўқиди. Унга қўра, жиноятчилар қилмишларига яраша жазосини олдилар. Зеро, қонунни алдайман, қонунга чап бераман деганлар хато қилишади. Жиноят эса жазосиз қолмайди.

Алимбек ТОШБЕК.  
(«Инсон ва қонун» газетаси,  
2011 йил 23 август).



БОЛА КУЛСА — ОЛАМ КУЛАДИ

Дунёда болажонлар қувончи, шодон кулгусидек ҳузурбахш маво бўлмаса керак. Бундай роҳатни, айниқса, умрини шу ишга бахшида этганлар яхши ҳис этишади.

Янгийул туманидаги 10-“Кичкинтой” мактабга таълим муассасасида баргикенг, болажон тарбиячилар ишлайди. 239 нафар жажжи кичкинтой бошида парвона бўлаётган 18 тарбиячи ва бошқа ходимларнинг меҳнатлари билан бу ерда ажойиб чаманзор, боғ-бўстон барпо этилган. Уни “Эртақ-

лар шаҳарчаси” дейишади. Муस्ताқилликнинг 20 йиллиги арафасида болажон ихтиёрига топширилган “Соғломлаштириш майдончаси” эса уларга ҳақиқий байрам совғаси бўлди. Майдончадаги эрта баҳорда экилган мевали, манзарали дарахтлар, сув ҳавзаси кўрган кўзга қувонч бағишлайди.

Сувда мириқиб чўмлаётган болажонларнинг шодон қийқиқлари оламни тутган. “Соғломлаштириш майдончаси”нинг очилиш маросимига тўпланган ташкилотлар вакиллари, шoirлар, олимлар, Гулбаҳор маҳалласи фаллари ва ота-оналарга ҳам бу гўзал манзара, кичкинтойларга аталган байрам тўхфаси жуда маъқул бўлди. Сайёра РАҲМОНОВА, Даврон АҲМАД олган сурат.

“ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ” ТАНИШТИРАДИ

— Жонажон юртимиз мустақиллигининг йигирма йиллик тантаналари ҳаётимда унутилмас из қолдирган қувончли воқеаларга уланиб кетди, — дейди Чирчиқ олимпия захиралари коллежи мураббийи Мурод Холмуродов. — Негаки, юртимиз спортчилари орасида биринчи бўлиб 2012 йилда Лондонда бўлиб ўтadиган XXX ёзи Олимпиада ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдим.



ДУНЁ БИЛАН БЎЙЛАШАЁТГАН ЁШЛАР

Дарҳақиқат, Мурод болалигидан спортга ошно тутинди. Айниқса, “ойнаи жаҳон” орқали велосипедчиларни томоғига қилиш унинг жону дили эди. Ўзи ҳам тенгқурлари билан бирга тез-тез шундай мусобақалар уюштириб турарди. Маҳалла кўчаларини чагитиб, неча бор ютганино неча бор ютказганлари, баъзан йиқилиб жараҳат ортирганида уйдагиларига турфа баҳоналар топанлари — ҳамма-ҳаммаси кечагидек ёдда.

Дилида қачонлардир машхур велосипедчи бўлиб етишиш умиди кўртатди. Унинг ораси орзулигича қолмади. Биргина у эмас, мамлакатимизда бугун велоспорт бўйича қатор маҳорат эгалари етишиб чиқди. Юртимиз велоспортчилари қатор халқаро мусобақаларда манаман деган давлат вакиллари билан тенгма-тенг иштирок этаётдилар. Улар орасида Муроднинг ҳам борлиги ва бу сафда муносиб ўрин эгаллаб улгургани унинг болалик орзулари шунчаки ҳаёлий бўлмаганидан нишондир.

да юртимиз спортчиларининг иштироки юқори баҳоланди. Мазкур турнирда муносиб иштирок этганим учун менга Таиланд давлатида бўладиган Осн чемпионатига йўланма беришди. Унда зиммамга юклатилган вазифани удаладиим — фахрли иккинчи ўринни ҳамда Лондон олимпиадаси йўлланмасини қўлга киритдим. Мурод Холмуродов спорт билан шуғулланиш, турфа катта-кичик мусобақаларда иштирок этиш билан бирга жисмоний тарбия ва спорт олий илмуҳини тамомлашга муваффақ бўлди. Эндиликда у Чирчиқ олимпия захиралари коллежида ўзи севган спорт тури ширларини шогирдларига ўргатмоқда. Эрта-индин улар орасидан ҳам мамлакатимиз довруғини дунё узра сарбаланд этишга қодир истеъдодли спортчилар етишиб чиқса, ажасиб.

Аъло РАҲМАТУЛЛАЕВ.

ШЕБРИЯТ

МУСТАҚИЛЛИК САОДАТИ

Озод бўлса, чўлу тоғда яйраб жайрон, Озод бўлса, боғу роғда булбул сайрон. Ғариб шодон бўлмас эмиш гурбатларда, Озод юрда бахтлар қучиб яшар инсон.

Ўтмишида қолиб кетди мустақиллик, Озод юрда боқий бўлсин Мустақиллик.

Миллатпарвар элининг улғу миллати ҳам, Бўлмас сира айирмоқлик иллати ҳам. Содиқ қолиб аждодларин ўғитишга, Буюк бўлаёй келажакда давлати ҳам.

Бир давлатки ўзига хос, она тиллик, Ўзига бек юрда қўтлағу Мустақиллик.

Чўлга қўнмас лочин қушини қояси бор, Ўзбек эли ўз таппаган дунёси бор. Ватанига — равақ, халққа — фаровонлик, Юрт тинчлиги, деган миллий гоёси бор.

Хур диёрга ярашади хурлик, гуллик, Обод юрда саодатдир Мустақиллик.

ВАТАН МАДҲИ

Мустақилман — ўзда эрким, Қайга борсам очик эшик. Айланайин, она халқим, Ота юртим — олтин бешик.

Ўз уйимдир — ўлан тўшақ, Ўзим хоп-у ўлан бекман, Киндик қўним томан ери “Азиз” дейман, “Ватан” дейман.

Кам кўрмасман бошқа эли, Юртим азиз менга бирок. Ота-бобом қўним топан, Муқаддасдир манов тупроқ.

Мағриб-Маширқ кулоқ тутди, Ўғонишиш қаломига. Бош кентлари пойтахт бўлди, Бутун ислом оламига.

Байрам сабаб, сенга юртим, Бидим мен ҳам бир қасида. Қўшганим йўқ: айтанларим Шундай ўзи ҳам аслида.

Мустақилман — ўзда эрким, Қайга борсам очик эшик. Айланайин, она халқим, Ота юртим — олтин бешик.

Мамур БОЗОР АЛИ.

“SHUHRAAT-FAYZ” хусусий фирмаси шу ном билан маъсуляти чекланган жамиятига айлантирилди.

Миробод тумани ТСРҮИ томонидан 2011 йил 25 апрелдаги 005202-03 сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган, ҳуқуқий манзили: Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 18-уй, 9-хонадон манзилида жойлашган “МАКНУОКНОН SAUDO BIZNES” маъсуляти чекланган жамияти (СТIP 301965285) ТУГАТИЛАДИ.

Кредиторлар ва дебиторлар даъволари 2 ой муддатда қабул қилинади.

Общество с ограниченной ответственностью “STEEL MASTER” (ИНН 301186274) Чиланзарского района сообщает об уменьшении уставного фонда с 208 961 731 сум до 14 700 000 сум. Тел.: 176-87-75.

Утеранный аттестат о среднем образовании за № 442157, выданный в 1988 году школой № 12 г. Алмалыка Ташкентской области на имя Абдурафиевой Сусанны Абкеримовны,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утеранную круглую печать ЧП “OTAJON FARM”, зарегистрированное хокимиятом Зангиатинского района Ташкентской области,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Тошкент вилояти табииати муҳофаз қилиш қўмитаси ва Тошкент вилояти Давлат экология экспертизаси жамоаси “Тошвиддавқозэкспертисаси” бош мутахассис-эксперти

Абдураҳмон Каримов РАҲИМОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

КЎРГАЗМА

ОЛТИН МЕРОС ЗАРВАРАҚЛАРИ

Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида юрт мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган “Миллий банк тўпламидан Олтин мерос зарварақлари” деб номланган кўргазма очилди.

Унда 1994 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодийёт фаолият миллий банки томонидан мустақиллик йилларида соғит олинган ва тўпланган рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик, нумизматика, кўлэзма китоблар намойишга қўйилган. Миллий банк мамлакат иқтисодиёти тизимида ўзининг муҳим миқсисиясини амалга оширган ҳолда Ўзбекистоннинг ижтимоий, маънавий ва маданий ҳаётида ҳам фаол иштирок этиб, тасвирий санъатни қўллаб-қувватлашга, ўзбек халқининг бой маданиятини тарғиб қилишга ўз имконияти даражасида ҳисса қўшмоқда.

Кўргазмада қўйилган XX, XXI аср бошларида яратилган асарларда юртимизнинг тарихий ўтмиши, аҳоли турмуши, маданияти, йил фасллари, табиат манзаралари, ҳаёт фалсафаси, лирик йўналишдаги қатор асарлар, қадриятларимизни эслатувчи меъморий ёдгорликлар, машхур рассомлар, или-фан ва адабиёт вакилларининг портретлари акс этган. Уларда умуминсоний қадриятлар, миллийлик ва бадиийликка эътибор қаратилганини кўрамиз.

Кўргазмада А. Абдуллаев, А. Аҳмедов, Ч. Аҳмаров, П. Бенюков, У. Тансиқбоев, Ж. Умарбеков, Р. Чориев каби яна кўплаб машхур рассомларнинг санъат асарлари намойишга қўйилган. Уларнинг аксарияти илк маротаба томошбинлар эътиборига ҳавола этилмоқда.

Галерея экспозициясидан турли йилларда яратилган “Катта Чимен” (М. Аринин, 1938 йил), “Хумсонда тонг” (А. Мирзаев, 1948 йил), “Кибрайда шом” (В. Еремий, 1957 йил), “Оқтош Кўприк” (А. Раҳимов, 1982 йил), “Чорвоқда баҳор” (Б. Тоқимин, 1985 йил), “Сўқоқда куз” (Р. Гаглова, 1993 йил), “Сижжак йўллари” (И. Васильева, 1999 йил) каби асарлар ҳам ўрин олган. Улар киши диққатини ўзига тортиб, мулоҳазаларга етаклайди. Кўп йиллар ўтган бўлишига қарамай, улар эҳтиёт қилиб сақланганлиги кўриниб турибди.

Кўргазма шу йилнинг 26 сентябрга қадар давом этади. Хасан АБДУНАЗАРОВ.

ТОШКЕНТ ВОҲАСИ: АФСОНА ВА ҲАҚИҚАТ

Тошкент воҳасининг қоқ марказида, Ўрта Чирчиқ тумани худудида ўнлаб кўрган-шаҳарча харобалари бор.

Ушбу туманнинг кўна тарихи ҳақидаги илк маълумотлар XIX асрдаёқ ошкор бўлган эди. И. Н. Веселовский, М. С. Андреев, шунигиндек, Туркистон археология ишчибозлари тўғариға аъзолари у қадар катта бўлмаган илмий текширишлар ўтказдилар. Дастлабки йирик қазилма ишларини М. Е. Массон ва Т. Мирғисёев 1928 йили амалга оширдилар.

1940 йилда А. И. Тереножин Бургулук жари ва Оҳангарон дарёси соҳили туташган жойдаги Тошкент канали қурилишини археологик жиҳатдан кузатиш жараёнида ажойиб топилмаларга дуч келди. Тахминан эраиздан аввалги VIII-VII асрларга тегишли бронза личоқ ва бошқа ашёлар топилди, Бургулук маданиятига оид уй-жой қолдиқлари очилди.

Бу ерда 1959-1960 йилларда тарих ва археология институтининг Т. Р. Аъзам-хўжаев раҳбарлигидаги Туябўғиз отряди иш олиб борди. Оҳангарон дарёсининг ўнг қирғоғида сағана иншоотлари топилди.

1971 йили археология институтининг Шош-Илоқ отряди бу худуддаги ишларни давом эттирди. Кремний қуроллари коллекцияси тўпланди. Ю. Ф. Буряков ва К. Алимов ҳам шу ерда иш олиб боришди. Ушбу тадқиқотларнинг барчаси Бургулук маданиятини аниқлашга қаратилган эди. Бургулук маданияти — Тошкент воҳаси қадимий

тарихининг энг қизиқарли масалаларидан бири. Биз вилоятимиз маданияти ривожининг ушбу даври ҳақида сўз юритар эканмиз, унинг илк кашфиётчиси бўлган А. И. Тереножин номи алоҳида ёдга олишимиз лозим. Негаки, ундан илгари бундай ёдгорликлар тарих учун ҳали номалум эди. Бу қизиқарли тадқиқотларни археоло-



ЙЎЛБАРСНИНГ ҲАДЯСИ

аллақачон кесилиб кетиб, фақат тўқнаси қолган. Унинг йўғонлик ўлчами (диаметри)га қараб, қай даражада улкан бўлганини чамалаш мумкин.

Кексалар яна ҳикоя қилишадикки, Усмон ота яшаган даврларда бу ерда тўқнаш сочин боғ бўлиб, дарахтлар меваларининг залворидан ҳар тарафга эгилиб ётган. Булоқдан қайнаб чиқиб турган зилот сув боғни об-ҳаётга қондириб, Усмон отанинги дуолари орқали янада сермева бўлишини таъминлаб турган.

Ушбу жойни авайлаб-асраб юрган қариялардан бири — Шоқарим ота ўлими олдида ҳикоя қилиб берган эди. Бурундан шу ерда яшовчи аҳоли кўш боғатган пайтдан бошлаб бола-

ларини боғга киритмаган. Чунки, ҳар куни эрта сахар гира-ширасида боғга баҳайбат йўлбарс келган ва тонг шафқи ёйилиб кетгунча шу ерда бўлган. Булоқдан обдон қониб сув ичиб, яна қорига қайтиб кетган.

Бир куни қоронги тунда ушбу қадам муҳофазачиси йўлбарсининг дахшати ўқиргани эшитиб, ҳовлига югуриб чиқса, ўша баҳай-

бат жонивор олдинги оёғининг бирини балан кўтарганча унга тикилиб турган экан. Йўлбарсининг панжасига катта тикан кириб қолгани боис ундан ёрдам сўраб келибди.

Боғ кўриқчиси йиртқичнинг панжасини тикандан фориг этиб, ярасини боғлаб қўйибди. Йўлбарс ортига қайтибди. Эртаси куни сахарда кўчага чиққан кўриқчи эшиги ёнида йиртқич бўйлашган семиз буқанинг танасини кўрибди. Йўлбарс халоскорининг хизматини шу тарзда тақдирлаган экан.

Бу томонларда яшовчи халқ орасида жуда кўп афсоналар сақланиб қолган. Бахринисо Тешаева қадим замонларга оид маълумотларни тўплаш мақсадига кўп тер тўқди. Бу тиниб-

РАССОМ ХАНДАСИ



caricatura.ru

ШИФОКОР МАСЛАҲАТИ

ҚОҶҚОҒИ КЎТАРИЛГАНИ ХАВФЛИ

Ёз-кўз ойларида ҳар бир уй бекаси киши дастурхонини мева компотлари, бодиринг-помидор ва кўзиқорин консервалари, турли шарбатларга маъмур қилиш учун ҳил консервалар тайёрлайди. Булар инсон учун фойдаланган витаминлар манбаидир.

Афсуски, кейинги йилларда консерваланган махсулотлардан захарланиш хусусан, бутулизм ҳоллари учрамоқда. Латинча “бутулизм” — колбаса сўзидан олинган бўлиб, сифатсиз, бузилган колбасалар истеъмол қилганда келиб чиқади.

Бутулизм захри биологик фаоллик жиҳатидан бошқа

микроблар токсинидан анча кучли, 0,035 миллиграмми одамни ўлдиршига қодир.

Бу бутулизм асосан бузилиб, айниб қолган озиқ-овқат — колбаса, консерва махсулотларини истеъмол қилиш оқибатида келиб чиқади. Махсулотни қайта ишлаш жараёнида бутулизм қўзғатувчилари бутунлай қирилиб кетмайди. Уларнинг споралари 100 даража иссиққа 6 соат, 120 даража иссиққа 10 дақиқага бардош бериши мумкин. Мева-сабзавотли ва кўзиқоринли консервалар тайёрлашда унга сирка кислотаси қўшиш бутулизмдан сақланишнинг бирдан-бир омилдир, чунки кис-

лотали муҳитда қўзғатувчилар қўлайишга шароит бўлмайди. Бутулизм токсинлари билан зарарланган махсулотни истеъмол қилганда касаллик аломатлари 2-3 соатдан кейин, баъзи ҳолларда 1-2 кундан кейин бошланади. Ошқозон беҳузурлиги, қусиш, кучли бош оғриғи, оғиз бўлиши ва томоқнинг қуриши, кўз хиралиши ва нарсалар икити бўлиб қуришини, қовоқлар тушиб кетиши, ютиниш ва чайнашнинг қийинлашиши каби белгилар пайдо бўлади. Кейинчалик асаб тизими зарарланганлиги учун беморнинг чайқалиб юриши, гапирининг қийинлашиши ва, ҳатто, гали-

ра олмаслик каби ҳолатлар кузатилади. Шунда беморга ўз вақтида табиий ёрдам қўрсатилиб, бутулизм турига қараб, махсус даволаш белгиланса, унинг ҳаётини сақлаб қолиш мумкин.

Бутулизмдан захарланишнинг олдини олиш учун, уй шароитида аввало, консервалар тайёрлашда санитария-гигиена қоидаларига, стерилизация тартибларига тўлиқ риоя этиш керак. Консерва учун фақат сифатли махсулотлар ишлатиш, уларни оқар сувда яхшилаб ювиш зарур. Тайёр бўлган консерваларни 10 градусдан юқори бўлмаган салқин жойда сақлаш лозим. Иди-

шининг қоққоги кўтарилиб қолган, ишлаб чиқарилган жойи ва вақти қўрсатилмаган, ёрлиги бўлмаган мева-сабзавот ва кўзиқоринли консерваларни бозорлардан ва кўчадаги номаълум шахслардан харид қилмаслик мақсадга мувофиқ. Териси шикастланган ва офтобда қолган баллиқларни, умуман, истеъмол қилмаслик керак. Уй шароитида биллиб-билмасдан консерваларни тайёрламаган маъқул.

Шу шартларга риоя қилинган тақдирдагина биз ўзимизни бутулизм касаллигидан асраган бўламиз. Абдураҳмон ИСМОИЛОВ, вилоят ДСЭНМ овқатланиш гигиенаси бўлими мудири, тиббиёт фанлари номзоди.

TOШKЕНT ҲАҚИҚАТИ
БОШ МУҲАРРИР
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ
Муассис:
Тошкент вилояти ҳоқимлиги
Мазъиямиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.
Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар маъсулдир.
Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУҲҲАЕВ